

## КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахимжонов Акмалжон Баҳромжон ўғли  
Ўзбекистон Миллий Университети  
“Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими”  
кафедраси ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола кўчмас мол-мulkни сотииш шартномасини такомиллаштириши масалаларига багишланган бўлиб, хусусан, бунда кўчмас мол-мulkни сотииш шартномасининг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари ва кўчмас мол-мulkни сотииш шартномаси фуқаролик ҳуқуқий асосларининг ривожланиши босқичлари каби масалалар тадқиқ этилган. Шунингдек, кўчмас мол-мulkни сотииш шартномасини тузиши тартиби ва расмийлаштирилиши, шартнома предмети ва баҳосини аниқлашда учрайдиган мавжуд муаммолар ва уй-жойларни сотишни фуқаролик-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириши ва тизимига оид қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан илмий асосланган таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Мулк, кўчмас мулк, мол-мulk, мulkни сотииш, хусусий мулк, мулкдан фойдаланиши, мulkни тасарруф қилиши, ер участкаси, бино, ишиоот, квартира, олди сотди.

### АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена вопросам совершенствования договора купли-продажи недвижимого имущества, в частности, понятию и особенностям договора купли-продажи недвижимого имущества и этапам развития гражданско-правовой базы договора купли-продажи недвижимого имущества. Также представлены научно обоснованные предложения по порядку и оформлению договора купли-продажи недвижимого имущества, существующим проблемам определения предмета и цены договора и совершенствованию гражданско-правовой базы и усилению законодательства о системе жилищного строительства.

**Ключевые слова:** Имущество, недвижимое имущество, продажа имущества, частная собственность, пользование имуществом, распоряжение имуществом, земельный участок, здание, строение, квартира, купля-продажа.

## **ABSTRACT**

*This article is devoted to the issues of improving the contract for the sale of real estate, in particular, the concept and features of the contract for the sale of real estate and the stages of development of the civil law framework of the contract for the sale of real estate. Evidence-based proposals are also presented on the procedure and execution of a contract for the sale of real estate, the existing problems of determining the subject and price of the contract, and improving the civil law framework and strengthening the legislation on the housing construction system.*

**Key words:** Property, real estate, property, sale of property, private property, use of property, disposal of property, land, building, structure, apartment, purchase and sale.

## **КИРИШ**

Бугунги кунда фуқаролар, юридик шахслар ва бошқа субъектлар ўртасидаги муносабатлар шартномалар тузиш орқали расмийлаштирилмоқда. Аммо шартномаларга нисбатан қўйиладиган талабларга ҳар доим ҳам риоя қилинаётгани йўқ. Айниқса, ўзига хос расмийлаштиришни талаб қиласдиган ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган шартномаларда бу ҳолат қўплаб учрайди. Хусусан, қўчмас мол-мулкларни сотиш шартномаларини тузиш ва расмийлаштиришда, қўчмас мол-мулк сотилганда у жойлашган ер учаскасининг ҳукуқий мақомини белгилаш муносабатларида қонунда белгиланган талабларга риоя қиласлик амалиётдаги ўзига хос муаммолардан биридир. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти шароитида қўчмас мол-мулк алоҳида аҳамиятга эга бўлган мол-мулк турларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, қўчмас мол-мулк ўзининг қиймати ва шахслар учун зарурияти ва аҳамияти жиҳатидан бошқа мол-мулкларга қараганда қадрлироқ ва “суяниш” мумкин бўлган мулкий асос вазифасини бажаради. Шу сабабли қўчмас мол-мулкларни сотиш билан боғлиқ муносабатларни ҳукуқий тартибга солиш масалалари бугунги кунда ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган 28.01.2022 йилдаги Пф-60- сон фармони билан тасдиқланган “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”13-максадида Мулкий ҳукуқларнинг дахлизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулкий, шу жумладан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш.

Хусусий мулк устиворлигини асосий тамойил сифатида белгилаш, шу жумладан давлат идорасининг расмий маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш каби вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Юқорида таъкидланганидек, кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасини ҳуқуқий тартибга солиш тизими ҳам муайян маънода такомиллаштириш ва либераллаштиришга муҳтождир. Чунки, ҳоирги даврда фуқаролик қонунчилигида кўчмас мол-мулкнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш баробарида, фуқаролик ҳуқуқи ушбу объективининг муомалада бўлишидаги ўзига хосликларни белгилаш, улар билан боғлиқ битимларни тузиш ва расмийлаштириш бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасининг мажбуриятлар тизимидағи ўрнини очиб бериш ҳамда кўчмас мол-мулк сотилганда у жойлашган ер участкасига нисбатан ҳуқуқларнинг юридик тақдирини белгилаш замонавий фуқаролик ҳуқуқида тадқиқ этилиши лозим бўлган жиҳатлардандир. Шу билан бирга, кўчмас мол-мулкларнинг алоҳида турларини сотишдаги ўзига хосликларни очиб бериш, кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасининг предмети ва баҳосини аниқлаш, шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларини тадқиқ эиш лозим бўлади.

Кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасининг муҳим шартларидан бири сифатида шартномани нотариал тасдиқлаш ва мулк ҳуқуқини бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини давлат рўйхатидан ўтказиш эътироф этилади. Бугунги кунда тарафлар шартномани нотариал расмийлаштирасаларда, мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишни кечикиришлари ёки бу ҳолатга эътиборсиз қарашлари турли хил низоларни вужудга келтирмоқда. Мазкур ҳолатларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш ҳамда кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасининг моҳияти ва мазмунини янгиланган фуқаролик қонунчилиги асосида тадқиқ этилмаганлиги мазкур мавзу долзарблигини яна бир бор тасдиқлашга хизмат қиласи.

Фуқаролик ҳуқуқи фани нуктаи назаридан ҳам кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасини мулкни бошқа шахсга ўтказишга оид шартномалар тизимида тутган ўрнини белгилаш, кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишнинг бошқа усуслари айирбошлаш ва ҳадядан кўчмас мол-мулкни сотиш

шартномасининг фарқли жиҳатларини очиб бериш, қўчмас мол-мулкни сотиш шартномасини расмийлаштиришга нисбатан белгиланган маъмурий тартиб-таомилларнинг фуқаролик-хуқуқий воситалар билан уйғунлигини аниқлаш ҳамда қўчмас мол-мулкни сотиш шартномаси асосида ўтадиган мулк хуқуқининг ер участкасига нисбатан ашёвий хуқуқлар билан ўзаро нисбатан таҳлил этиш, шунингдек тугалланмаган қўчмас мол-мулк объектларини сотишнинг хусусиятларини, қўчмас мол-мулкнинг алоҳида объектлари бўлган бино-иншоотлар, уй-жойларни сотишнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Маълумки, олди-сотди шартномаси тузилиш мақсади ва предметига кўра турларга бўлинади. Мақсадига кўра олди-сотди шартномасининг чакана олди-сотди шартномаси, маҳсулот етказиб бериш шартномаси, улгуржи олди-сотди шартномаси, контрактация шартномаси каби турлари мавжуд бўлса, предметига кўра, энергия таъминоти шартномаси, қўчмас мол-мулкни сотиш шартномаси, корхонани сотиш шартномаси каби олди-сотди шартномасининг турлари мавжуд. Шу маънода айтиш мумкинки қўчмас мол-мулкни сотиш шартномаси олди-сотди шартномасининг ўзига хос алоҳида тури ҳисобланади.

Фуқаролик кодексида мазкур шартномани “мол-мулкни олди-сотди шартномаси”, деб эмас “мол-мулкни сотиш” деб, номланишига сабаб қўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишнинг ўзига хос маҳсус тартиби мавжудлигидан келиб чиқади. Шу билан бирга, қўчмас мол-мулкни бир шахсдан, иккинчи шахсга ўтказиш учун тайёрлаш бевосита сотувчи томонидан амалга оширилади ва шу сабабли сотиш жараёни ва унинг расмийлаштирилиши муҳим ўрин тутади. Айнан шу муносабат билан ҳам амалдаги ФК олди-сотди шартномасининг ушбу турига нисбатан “кўчмас мол-мулкни сотиш шартномаси” атамасини қўллайди. Бинобарин, бу ҳолатда қонунчилик асосан сотиш муносабатларини тартибга солувчи нормаларни белгилайди. Кўчар ашёлар бўлган мол-мулкларни бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказишда эса, қонунчилик ҳам сотиш, ҳам олиш жараёнини тартибга солишини назарда тутади ва уларга нисбатан бир вақтнинг ўзида “олди-сотди” конструкциясини назарда тутади. Фикримизча, ФКда кўчмас мол-мулкни ҳақ эвазига бошқа шахсга ўтказишга қаратилган олди-сотди шартномасининг бир турини “Кўчмас мол-мулкни сотиш шартномаси” деб номаланиши тўғри ва ўринли қўлланилган.

ФКнинг 479-моддасига мувофиқ, “кўчмас мол-мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа қўчмас мол-мулкни сотиб

олувчига мулк қилиб топширишни (ФКнинг 83-моддаси) ўз зиммасига олади". Мазкур шартнома ҳам олди-сотди шартномасининг бошқа турлари каби мол-мулк ва унга нисбатан мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш мақсадида тузилади. Бунда кўчмас мол-мулкнинг бир шахснинг иккинчи шахсга мулк ҳуқуқи асосида ўтганлиги шартнома воситасида қонунийлаштирилади. Бинобарин, кўчмас мол-мулк ва унга нисбатан мулк ҳуқуқини бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши одатда қўчар мулк обьектларини бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишидан фарқланади. Агар қўчар мол-мулклар (масалан, қалам, китоб, стол-стул ва шу кабилар) олди-сотди шартномаси асосида бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши шартнома тузилиши билан ижро этилса, ёзма тузилиши ёки бошқача усулда расмийлаштирилиши талаб этилмаса, кўчмас мол-мулкларга нисбатан қонун ўзига хос ҳуқуқий тартибни белгилайди.

Албатта, кўчмас мол-мулкни сотиш шартномаси ҳам одатдаги қўчар мулкларни сотиш учун қўлланиладиган анъанавий олди-сотди конструкция асосида расмийлаштирилса ва тушунилса ҳам ушбу шартноманинг предмети алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлганлиги сабабли ҳам ҳуқуқий тартибга солиниши нуқтаи назаридан алоҳида қоидалар ва ҳолатлар асосида шартнома тушунчаси шакллантирилади.

Шу муносабат билан амалдаги ФКнинг 479-моддасини қуидаги таҳрирда ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- "кўчмас мол-мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас **мол-мулкни** сотиб олувчига мулк қилиб топшириш (ушбу Кодекснинг 83-моддаси) **мажбуриятини олади, сотиб олувчи эса ушбу мол-мулкни қабул қилиб олиш ва унинг учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади**".

Кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасининг легал тушунчасига бундай қўшимча киритиш уни олди-сотдининг анъанавий конструкциясига асослантиради ва шартнома тарафларнинг ҳуқуқий ҳолатини янада аниқлаштиради. Шу билан бирга бу ҳолат фуқаролик-ҳуқуқий муносабат эквивалентлигини таъминлайди.

Юридик адабиётларда кўчмас мол-мулкни сотиш шартномаси олди-сотди шартномасининг бошқа турлари каби консенсуаль, ҳақ эвазига тузилаган ва икки томонлама (синаллагматик) шартнома эканлиги эътироф этилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Ч.2. -М.: Статут, 1997. -196 с.; Гражданское право. Том II. Полутом 1. 2-е издание./Отв.ред.Е.А.Суханов.-М.:БЕК, 2000.-238 с.

Кўчмас мол-мulkни сотиш шартномасида одатдаги оғзаки келишув мухим ҳисобланмайди ва бундай келишув муайян юридик оқибатларни туғдирмайди. Кўпчилик ҳолатларда кўчмас мол-мulkни сотиш шартномаси белгиланган шаклга амал қилиб тузилиши билан муайян юридик оқибатларни вужудга келитиради ва консенсуаль шартнома ҳисобланади. Бошқача айтганда, тарафлар кўчмас мол-мulkни сотиш шартномасини қонунчиликда белгиланган шаклда тузиб, уни расмийлаштириш қоидасига амал қилишгач шартнома тузилган ҳисобланади. Бироқ, барча ҳолатларда ҳам кўчмас мол-мulkни сотиш шартномасида бундай ҳолат бўлавермайди. Аксарият ҳолатларда кўчмас мол-мulk сотиш, хусусан, кўчмас мол-мulkнинг бир турига бўлган уй-жойларни сотиш шартномасида тарафларнинг келишувини дастлаб тилхат бериш орқали расмийлаштириш ҳолатлари учрайди. Бундай тилхатда сотиб олувчининг сотувчига уй-жойни сотиб олиш шартномасини тузиш учун муайян закалат суммасини берганлиги қайд этилиши мумкин. Айрим ҳолатларда эса кўчмас мол-мulkни сотиш шартномасини – тилхат асосида расмийлаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. Бироқ бу ҳолатларда шартнома тузилмаган деб ҳисобланиш хавфи юкори бўлади ва кўчмас мол-мulkни сотиш шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар даражасида ёзма тузилиб расмийлаштирилгач вужудга келишини ҳисобга олсақ, консенсуаллик қоидаси бу ўринда нафақат одатги ёзма матнни тузиш ва уни тарафлар имзолашлари орқали балки, қонун ҳужжатларида белгиланган бир қатор юридик талабларни бажаришни тақозо этилишини ўзида акс эттиришини кўришимиз мумкин бўлади. Фақат ана шу юридик талаблар бажарилгандаги кўчмас мол-мulkни сотиш шартномасини тузилган деб ҳисоблаш ва тарафларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келган, - деб эътироф этиш мумкин бўлади. Бошқача айтганда, кўчмас мол-мulkни сотиш шартномасининг консенсуаллиги ҳам олди-сотди шартномасининг бошқа турлари учун хос бўлган консенсуаллигидан ушбу шартнома обьектининг ўзига хослигидан келиб чиқиб фарқ қилди ва бу фарқларни умумлаштирган ҳолда, шартнома шакли ва унга нисбатан белгиланган талабларнинг қатъийлигига деб ҳисоблаш мумкин.

Кўчмас мол-мulkни сотиш шартномасининг ҳақ эвазига тузилиши эса, шартномада муқобил ижронинг мавжуд бўлишлигини англатади ва айнан шу жиҳати билан бу шартнома кўчмас мол-мulkни ҳадя қилиш шартномасидан фарқланади. Ҳ.Рахмонқуловнинг фикрича, бундай битим бўйича бир тараф мажбуриятни бажарганлиги (товарни топширганлиги, ишни бажарганлиги,

хизматни кўрсатганлиги) учун иккинчи тарафдан ҳақ олиш ёки унга муқобил тўлов тўланиши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади<sup>2</sup>. И.Б.Зокировнинг таъкидлашича, ҳақ бараварига тузиладиган битимларга қарши (муқобил) ижро назарда тутиладиган битимлар: олди-сотди, айирбошлиш, суғурта каби бир қанча шартномалар киради, чунки уларда томонландан ҳар бири қарши томон фойдасига бирор бир ҳаракат қиласди<sup>3</sup>. Кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасида эса бу ҳолат сотувчи томонидан қонунчилик аниқ белгиланган доирада объектлар топширилади ва бунинг эвазига сотиб олевчи шартномада белгиланган ҳақни тўлайди.

Фикримизча, автотранспорт воситаларини кўчмас мол-мулк таркибиغا киритиш мунозарали ҳолатдир. Чунки, сув транспорт воситаларидан фарқли равишда автотранспорт воситалари ва ҳаво кемалари (фазо кемалари бундан мустасно) бир жойдан иккинчи жойга одамлар ва юкни кўчириш учун ихтиро қилинган қурилмалар ҳисобланади ва уларнинг тайинланиш мақсади ва хўжаликдаги фойдалилиги айнан кўчиб юриш билан боғлиқ. Шу билан бирга уларга нисбатан кўчмас мол-мулкларнинг фуқаролик муомаласида бўлишидаги каби ҳуқуқий тартибнинг белгиланиши ҳам мулк сифатида давлат рўйхатидан ўтишнинг лозимлиги ҳам ушбу объектларни кўчмас мол-мулк сифатида таснифлаш учун асос бўла олмайди. Фақатгина авторанспорт воситалари, денгиз ва ҳаво кемаларини ҳуқуқий мақоми кўчмас мол-мулкларга тенглаштирган объектлар, - деб ҳисоблаш ва уларга нисбатан кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасининг қоидаларини белгилаш мумкин бўлади.

Ер участкасининг кўчмас мол-мулк обьекти сифатида фуқаролик муомаласида бўлиши, яъни эркин суръатда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши масаласида ҳам қонунчиликда қатъий қоидалар ўрнатилмаганлиги баробарида, юридик адабиётларда ҳам турли хил қарашлар борлигини кузатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига биноан, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиkdir, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. ФКнинг 188-моддасига мувофиқ, эса “фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда юзага келади”.

Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мулжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонуни 2021 йил 15 ноябрьда

<sup>2</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Битимлар.-Тошкент: ТДЮИ, 2010.-28 б.

<sup>3</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуки: Дарслик I қисм.-Тошкент: ТДЮИ, 2009.-298 б.

кучга кирди. Шу қонуннинг 14 мөддасида ер участкаларини хусусийлаштириш шакллари белгиланган бўлиб, унда ер участкаларини хусусийлаштириш қўйидаги шаклларда амалга оширилади: хусусийлаштириш субъектлари тмонидан ўзига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуки асосида тегишли бўлган ер участкаларини сотиб олиш;

Ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олиш каби қоидалар асосида амалга оширилади.

## **ХУЛОСА**

Бугунги кунда таъкидлаш лозимки, кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасининг обьекти бўлиши мумкинлиги масаласида қонунчиликда ислоҳотлар давом этмоқда. Келажакда “ер олди-сотди қилинади, айирбошланади, ҳадя этилади, гаровга қўйилади, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Шунингдек, юридик шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вактинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуки асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин”.

## **REFERENCES**

1. Витрянский В.В. Договор купли-продажи и его отдельные виды. М., 1999.
2. Крашенинников П.В. Сделки с жилыми помещениями: Комментарий гражданского и жилищного законодательства и практика его применения. -М.: «Статут», 2000. - 288 с.
3. Топилдиев, Б. Р. (2017). Основные условия договора доверительного управления имуществом. Юрист, (9), 15-19.
4. Кўчмас мулкнинг ҳуқуқий режимини такомиллаштириш // монография – Тошкент: ТДЮУ, 2017. - 300 В.Ё.Эргашев, Н.А.Ашуррова
5. Ibrohimov, A. A. M. O. G. L., & Nechaeva, E. V. (2022). XALQARO INVESTITSIYA HUQUQIDA MILLIY REJIM VA ENG QULAY SHARTLAR REJIMI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 414-425.
6. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуки Дасрлик 1 кисм. Тошкент. 2006 ТДЮИ, 75-76.
7. Topildiev, B., & Khursanov, R. (2021). Legal fact based on occurrence civil rights and obligations. Ilkogretim Online, 20(3).

- 
8. Rahimjonov, A. (2022). KO'CHMAS MULK SOTILGANDA YER UCHASTKASIGA BO'LGAN HUQUQNING YURIDIK TAQDIRINI BELGILASH. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(1), 421-429.
  9. Рыбаков В.А., Тархов В.А. Собственность и право собственности: Монография. - Уфа: Уфимский юридический институт МВД России, 2001. -420 с.
  10. Ibrohimov, A. A. O., Koryogdiyev, B. U. O., & Tojiboyev, S. Z. (2022). KORPORATIV NIQOBLARNI OLIB TASHLASH KONSEPSIYASI VA UNI O'ZBEKİSTON KORPORATIV HUQUQIDA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(1), 1068-1082.